

Ислом молияси бўйича қонун лойиҳаси муҳокама қилинди



10:37 / 21.06.2023 2028

Кеча, 2023 йил 20 июнь куни Инвестициялар, савдо ва саноат вазирлигида Ислом молияси бўйича қонун лойиҳаси муҳокамаси бўлиб ўтди. Инвестиция ва Молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунослар, молиячилар, аудиторлар, ислом фикҳи ва молияси бўйича мутахассислар қатнашдилар.

Ушбу тадбирда “Ислом молияси” вебсайти асосчилари Жаҳонгир Имамназаров ва Музаффар Хусниддиновлар ҳам иштирок этишди. Соҳа эксперти сифатида тадбирни бошқариш Жаҳонгир Имамназаровга топширилди.

Муҳокама давомида Буюк Британиянинг IFAAS компанияси томонидан тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мувофиқлаштирилган ислом молияси бўйича жорий қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Тадбир иштирокчилари таклиф қилинган ўзгаришлар бўйича аниқ фикр-мулоҳазаларини, шу жумладан Солиқ кодекси ҳамда Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунга айнан қандай ўзгартиришлар киритиш муҳимлигини айтиб ўтишди.

Шунингдек ўтган йили қабул қилинган Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштиришни ташкил қилиш бўйича норматив ҳужжат кўринишидаги тартиб Марказий банк томонидан шу пайтгача ишлаб чиқилмаганлиги алоҳида қайд этилди. Шу масала бўйича биз ўз таклифимизни, яъни норматив ҳужжат ишлаб чиқиш бўйича ўз экспертлик хизматимизни Марказий банкка таклиф қилдик ва бу таклифимиз Инвестиция вазирлиги ва Марказий банк томонидан яхши қабул қилинди.

Умуман олганда, тадбир конструктив руҳда ўтди. Асосийси — муҳокамада иштирок этган вазирликлар, биринчи навбатда Инвестиция вазирлиги ва Марказий банк вакиллари мулоқотга тайёрлигига ишонч ҳосил қилдик. Қонун лойиҳасига келадиган бўлсак, унинг устида ҳали муайян ишлар олиб бориш кераклиги, хусусан ҳуқуқшунослар ва ислом молияси бўйича экспертлар ушбу ҳужжат устида Марказий банк ҳамда IFAAS компанияси вакиллари билан биргаликда ишлашлари кераклиги тадбир иштирокчилари томонидан қайд этилди. Тадбир якунида мутахассислар норасмий ишчи гуруҳи ташкил қилиш ва мамлакатимизда ислом банк-молия тизимини жорий қилиш бўйича ишларни давом эттиришга келишилди.

Манба: islommoliyasi.uz

